САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.K.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕГМАТОВ РИЗАМАТ ХУШВАҚТОВИЧ

ЯРИМЎТКАЗГИЧЛИ СЕНСОРЛАР УЧУН ГАЗСЕЗГИР ОРГАНО-НООРГАНИК МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ТЕМПЛАТ СИНТЕЗИ

02.00.02–Аналитик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд–2020

УДК 543.27:662.654.3.88

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бегматов Ризамат Хушвақтович
Яримўтказгичли сенсорлар учун газсезгир органо-ноорганик материалларнинг темплат синтези……..... 3

Бегматов Ризамат Хушвактович
Темплатный синтез газочувствительных органо-неорганических материалов для полупроводниковых сенсоров..... 21

Begmatov Rizamat
Template synthesis of gas-sensitive organic-inorganic materials for semiconductor sensors..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….....……. 42

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.K.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕГМАТОВ РИЗАМАТ ХУШВАҚТОВИЧ

ЯРИМЎТКАЗГИЧЛИ СЕНСОРЛАР УЧУН ГАЗСЕЗГИР ОРГАНО-НООРГАНИК МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ТЕМПЛАТ СИНТЕЗИ

02.00.02–Аналитик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/K179 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) манзилига ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Абдурахманов Эргашбой** кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Султонов Марат Мирзаевич** кимё фанлари доктори, доцент
	Рахматов Худоёр Бобониёзович кимё фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.K.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____2020 йил соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй, физика-кимё биноси, 3-қават, 305-хона Тел.: (+99866)239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарканд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш.,Университет хиёбони, 15-уй. Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____да тарқатилди.

(2020 йил «___»_____даги __ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Насимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.М.Сайитқулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., доцент

С.Д.Аранбаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари, к.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда саноатнинг жадал ривожланиши билан ғовак кремнезём материалларни темплатлар-структура бошқарувчи агентлар (СА) иштирокидаги золь-гель синтезига йўналтирилган ишларнинг сони ортиб бормоқда. Ғовак кремнезём материаллар саноатнинг жуда кўплаб соҳаларида кенг қўлланилади. Бундай материалларнинг қўлланиш соҳалари ва эффективлиги уларнинг тузилиш тавсифлари: солиштирма юзаси, ғовак ҳажми ва унинг юзада тарқалиши билан белгиланади. Шу сабабли газсезгир плёнкалар, сорбентлар, катализаторлар ва дори-дармонларни етказиб берувчилар учун ғовак материаллар ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширувчи замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсида водород сульфиди атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий воситалардан бири бўлиб, уни аниқлаш ҳамда назорат қилишда кимёвий сенсорлардан фойдаланилади. Шу сабабли водород сульфиднинг сезгир ва селектив яримўтказгичли сенсорларини ишлаб чиқиш ва бу сенсорлар учун газсезгир материал (ГСМ) ларнинг мақбул таркибини танлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада темплатлардан фойдаланган ҳолда ғовак ГСМ лар яратиш, темплатлар иштирокида селектив газсезгир материаллар ҳосил қилиш жараёнларини илмий жиҳатдан асослаш, золь-гель технология асосида ГСМ лар олиш жараёни қонуниятларини аниқлаш ва оптимал шароитларини топиш, юқори эффектив сенсорлар ишлаб чиқиш, уларнинг метрологик, аналитик ва эксплуатацион тавсифларини аниқлаш зарур.

Республикада бир қатор саноат корхоналарида замонавий технологиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда, турли тармоқлар учун қатор янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари модернизация қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1] «саноатни янада модернизация қилиш ва диверсификациялаш, унинг юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоқларини, биринчи навбатда маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга йўналтирилган ҳолда уни янги сифат даражасига кўтаришга» қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада технологик чиқинди газларнинг заҳарли таркибий қисмларини (жумладан, водород сульфидни) назорат қилиш учун замонавий, мустаҳкам, экспресс, селектив яримўтказгичли сенсорларни яратиш ҳамда жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони.

тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш» тўғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқотлар республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нанокомпозит материалларни золь-гель технологияси бўйича темплат синтезига ва улар асосида сенсорларни ишлаб чиқишга ҳам ҳорижий, ҳам маҳаллий олимларнинг кўплаб тадқиқотлари йўналтирилган. Хусусан, ҳорижий тадқиқотчилар Araki H., Aslam M., Bhobe R., Alem N., Karakoti A.S., Bera D., Barth S., Jung W.G., Jung S.H. ,Kung P., Razeghi M., Seal S., Xu H., Liang S, Cao J., Sun J.Z., Hong J., Li H.Y., Chen H.Z., Wang M. ва бошқалар ғовак материалларни темплат синтез қилиш ва газлар аралашмасининг таркибини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш билан шуғулланганлар.

Ўзбекистон олимлари, жумладан Б.Дж.Кабулов, Х.И.Акбаров, Х.Т.Шарипов, Т.К.Ҳамрақулов, Н.С.Зокиров, А.М.Геворгян, А.М.Насимов, З.А.Сманова ва бошқалар нанокомпозитли материалларнинг золь-гель синтези муаммосини ҳал қилишда, атроф-муҳит объектларини мониторинг қилиш усуллари ва сенсорларини ишлаб чиқишда ўз тадқиқотлари билан катта ҳисса қўшишган.

Адабиётларнинг аналитик шарҳи газлар таркибидан экотоксикантларни, шу жумладан H_2S ни яримўтказгичли сенсорлар ёрдамида аниқлашнинг селективлигини таъминлашга бағишланган ишлар сони чекланганлигини кўрсатди. H_2S ни аниқлаш бўйича маълум ишлар асосан уни портловчан концентрацияларини мониторинг қилиш билан чекланади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда экологик хавфсизликни таъминлашнинг долзарб муаммоларидан бири янги ГСМ ларни ишлаб чиқиш ва газлар аралашмасида H_2S ни аниқлаш учун мукаммал ва замонавий яримўтказгичли усуллари ва сенсорларини яратишдан иборат.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот режасининг ИДТ-12-07 «Кимёвий сенсорларнинг янги авлоди учун газсезгир органо-ноорганик наноматериаллар синтезининг физик-кимёвий асослари ва технологиясини яратиш» мавзусидаги амалий (2012-2014 й.) ва ОТ-Ф7-84 «Кимёвий сенсорларнинг янги авлоди учун газсезгир материаллар синтези назарий асосларини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал (2016-2020 й.) лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади яримўтказгичли сенсорлар учун органо-ноорганик газсезгир материалларни темплат синтез қилиш ва олинган наноматериаллар асосида водород сульфидни аниқлайдиган яримўтказгичли сенсорлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

WO_3, CuO ва ПЭГ асосида ГСМ ларнинг золь-гель синтези жараёнида тетраэтоксисилан (ТЭОС) нинг гидролитик поликонденсацияси шароитларини аниқлаш;

ТЭОС, WO_3, CuO асосида яримўтказгичли ГСМ лар ишлаб чиқариш учун бошланғич моддалар таркиби ва нисбатларини танлаш;

ПЭГ нинг эритмадаги концентрацияси ва унинг молекуляр массасининг ГСМ ларни золь-гель синтези қонуниятларига таъсирини баҳолаш;

SiO_2/WO_3 ва SiO_2/WO_3+CuO таркибли ГСМ ларини темплат (ПЭГ) иштирокидаги ва темплатсиз золь-гель синтези жараёнининг ҳарорати ва вақт режимларини аниқлаш;

плёнкага адсорбцияланиш жараёни қонуниятларини текшириш ҳамда унинг юзасини тузилиши ва таркибини РФА, СЭМ ва дефференцил термик анализ усулларида аниқлаб бериш;

олинган ГСМ ларни H_2S нинг яримўтказгичли сенсор (ЯЎС-H_2S) ларида амалда қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида (W, Cu) металл оксидлари, ТЭОС, ПЭГ, нефть ва газни қайта ишлаш заводларидан чиқадиган газлар ва стандарт газ аралашмалари танланган.

Тадқиқотнинг предмети газсезгир материалларнинг ТЭОС асосидаги темплатли ва темплатсиз золь-гель синтези, шунингдек водород сульфиднинг селектив яримўтказгичли сенсорини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда кондуктометрия, вискозиметрия, хроматография, потенциометрик титрлаш, фотоколориметрия, РФА, СЭМ ва дифференциал термик анализ сингари комплекс физик-кимёвий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор, золь-гель технология усулида газ аралашмалари таркибидан H_2S нинг микроконцентрациясини аниқлашга мўлжалланган W ва Cu оксидлари асосидаги газсезгир материалларни темплат синтези ёрдамида олиш мумкинлиги асосланган;

ПЭГ иштирокида золь-гель синтези усулида олинган SiO_2-WO_3 асосидаги газсезгир материал, H_2S назоратида яримўтказгичли сенсорларнинг оптимал ҳароратини пасайишига, сезгирлик ва ишлаш тезлиги ошишига олиб келиши исботланган;

SiO_2/WO_3+CuO асосидаги ГСМ дан фойдаланиб, яримўтказгичли сенсорнинг H_2, CO ва CH_4 иштирокида H_2S ни аниқлашга нисбатан юқори селективликка эга эканлиги исботланган;

ЯЎС-H_2S нинг метрологик, эксплуатацион ва бошқа кўрсаткичларига турли хил омилларнинг таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

темплат иштирокидаги золь-гель синтези усули водород сульфидни паст концентрациясини ўлчаш учун мўлжалланган яримўтказгичли сенсорларнинг сезгир элементларини ишлаб чиқариш учун истиқболли эканлиги асосланган;

сенсорларнинг H_2S нинг ҳаводаги микроконцентрацияларини экологик назорат қилишда юқори селективлик ва сезгирликка эга эканлиги исботланган;

газ аралашмаларидан водород сульфидни аниқлашнинг юқори сезгирлигини таъминлайдиган яримўтказгичли сенсор конструкциясининг минимал ўлчамлари унинг механик таъсирларга чидамлилигини ошириши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги бир-бирини тўлдирувчи кондуктометрия, потенциометрия, газ хроматографияси, фотоколориметрия, РФА, СЭМ ва дифференциал термик анализ усуллари сингари замонавий усулларга асосланиб олинганлиги билан тасдиқланган. Хулосалар математик статистика усуллари билан қайта ишланган тажрибалар натижалари асосида қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти газсезгир материаллар золь-гель синтези қонуниятларининг аниқланганлиги, W оксиди ва ПЭГ асосида селектив газсезгир нанокомпозит материаллар олиш жараёнининг оптимал шароитини танланганлиги ва улар асосида селектив яримўтказгичли H_2S сенсорларнинг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти атмосфера ҳавоси ва технологик газлар таркибидан водород сульфидни аниқлаш жараёнининг тезкорлиги ва сезувчанлигини ошириш ҳамда энг юқори сезгирликни таъминловчи ҳарорат чегарасини пасайтиришдан иборат. Сигнализаторлар ва автоматик анализаторлар таркибида яратилган сенсорлар бир қатор саноат корхоналарининг атмосфера ҳавосини назорат қилиш ва портлаш хавфини камайтириш ҳисобига муҳим ижтимоий, экологик ва иқтисодий муаммоларни ҳал этилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Атмосфера ҳавосининг таркибидан водород сульфидни мониторинг қилиш учун яримўтказгичли сенсорларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

водород сульфидни аниқловчи яримўтказгичли сенсор ва улар асосида ишлаб чиқарилган газ анализатор «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ да амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ нинг 2019 йил 29 апрелдаги 608/GK-19-04-сон маълумотномаси). Натижада юқори селектив ва сезгир сенсордан фойдаланиш ва намунани олиш ҳамда тайёрлаш босқичларининг йўқлиги ҳисобига водород сульфидни аниқлашнинг юқори аниқлиги ҳамда тезкорлигини таъминлаш имконини берган;

водород сульфидининг сигнализатори таркибида яратилган яримўтказгичли сенсор «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ да амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ нинг 2019 йил 22 майдаги 685/GK-19-05-сон маълумотномаси). Натижада сенсорнинг водород сульфиди сигнализатори таркибида қўлланилиши ёпиқ экологик тизимлар (ишлаб чиқариш ва административ бинолар) атмосфера ҳавоси таркибидан водород сульфиднинг миқдорини назорати ҳисобига техника хавфсизлигини таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 2 та халқаро ва 9 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, шу жумладан 3 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ғовак материалларнинг темплат (структура бошқарувчи агент) иштирокидаги золь-гель синтези»** деб номланган биринчи бобида ғовак материалларни темплат синтези тизимига киритилган ва назарий аспектлари таҳлил қилинган. ПЭГ нинг структурани бошқарувчи агент темплат сифатидаги хоссалари кўриб чиқилган. Атмосфера ҳавоси ва технологик газлар таркибидан H_2S ни аниқлаш усуллари ва асбоблари ҳамда ғовак материаллар асосидаги кимёвий сенсорлар таҳлил қилинган. Адабиётларда келтирилган ишларнинг таҳлили ушбу ишнинг мақсади, вазифаси ва тадқиқот объектини танлашга имкон яратди.

Диссертациянинг **«Водород сульфиднинг яримўтказгичли сенсорларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш технологияси»** деб номланган иккинчи бобида ЯЎС нинг ишлаш принципи ва механизми қараб чиқилган. Селектив ЯЎС учун катализатор танланган, сенсорнинг конструкцияси ва уни тайёрлаш схемаси кўриб чиқилган. Стандарт газ аралашмалари (ГА) ни тайёрлаш ва аттестация қилиш натижалари келтирилган.

ЯЎС ларнинг ишлаш принципи анализ қилинаётган газ муҳити таркибини ўзгартиришига мос яримўтказгич материалини сезгир қатламининг электрофизик хоссаларининг ўзгаришига асосланган. Ишда золь-гель технологияси ёрдамида таркибига WO_3 ва CuO қўшилган SiO_2 асосидаги ГСМ га эга бўлган ЯЎС яратилди ҳамда унинг H_2S га нисбатан сезгирлиги аниқланди. Адсорбцияланган H_2S молекулалари сирт юзадаги кислород ионлари билан таъсирлашганда қуйидаги реакция содир бўлади:

$$H_2S(газ)+3O^-(WO_3\ қаттиқ)\rightarrow SO_2(газ)+H_2O(газ)+3e^- \quad (1)$$

Натижада электрон WO_3 қаватига ўтиб, унинг ўтказувчанлигини оширади. Сенсорнинг H_2S га нисбатан сезгирлиги қуйидаги нисбатдан аниқланди:

$$S=\Delta R/R_{ҳаво}(2),$$

бундаги $\Delta R=(R_{ҳаво}–R_{газ})$, $R_{ҳаво}$-сенсорнинг ҳаводаги қаршилиги, $R_{газ}$–газ муҳитидаги қаршилиги, металл оксидларининг газларга сезгирлиги газсимон компонентларнинг сиртга адсорбцияланган кислород ионлари (O_2^-, O^-, O_2^-) билан ўзаро таъсирига боғлиқ. Металл оксиди ҳавода бўлганда дастлаб унга адсорбиланган кислород наноматериални ўтказувчан юза қаватидан электронларни тортиб олади:

$$O_2(г.)\leftrightarrow O_2(адс.) \quad (3)$$
$$O_2(адс.)+e^-\rightarrow O_2^-(адс.) \quad (4)$$
$$1/2O_2+e^-\rightarrow O^-(адс.) \quad (5)$$

Натижада электронлари кам зона ҳосил бўлади ва ГСМ нинг қаршилиги ортиб кетади. Шуни таъкидлаш керакки, юзадаги адсорбцияланган кислород заррачасининг тури температурага боғлиқ. Паст температураларда яримўтказгич юзасида O_2 нинг ионлашган молекулалари O_2^- нинг миқдоридан юқори бўлади. Юқори ҳароратда юзадаги кислород асосан O^- ва O^{2-} ионлари кўринишида бўлади. Хона ҳароратида WO_3 юзасидаги O_2^- ионларининг юқори концентрацияси O_2^- ва H_2S орасидаги жараёнга янада самарали таъсир кўрсатади ва натижада сенсорнинг юқори сезгирлигини таъминлайди. Реакция натижасида ажралувчи электронлар ўтказувчан қатламга тушади ва газсезгир қатламдан ўтаётган ток миқдори ортади. H_2S ва O_2 орасида борадиган реакция эндотермик тавсифга эга бўлиб энергия чиқиши билан боради, шунинг натижасида CO_2, H_2O молекулалари сиртдан тез десорбцияланади.

ЯЎС нинг афзаллиги унинг тезкорлиги ва юқори сезувчанлигида. Бироқ, унинг селективлиги газ аралашмасининг алоҳида компонентларига етарли даражада юқори эмас. H_2S ни аниқлаш жараёнининг селективлигини таъминлаш учун катализатор танлаш мақсадида биз Fe_2O_3, CoO, NiO, MnO_2, Cr_2O_3, CuO, WO_3, MoO_3, V_2O_5, Bi_2O_3 сингари оксидларни ёнувчан газларни ҳаво кислороди билан оксидланиш жараёнидаги фаоллиги ва селективлигини ўргандик. Тажрибалар 350ºС ҳароратда, H_2S (2,20%), H_2 (2,20%), CO (2,45%), CH_4 (2,50%) ва NH_3 (2,20%) иштирокида олиб борилди. Ўтказилган тажрибаларда H_2S нинг энг кўп оксидланиши WO_3, CuO, Fe_2O_3 ва MnO_2 га тўғри келди (1-жадвал.).

1-жадвал

Айрим металл оксидларининг газларнинг оксидланиши жараёнидаги активлигини ўрганиш натижалари (температура 350°С, n=5, P=0,95)

Катализатор таркиби	Оксидланиш даражаси, $\bar{x} \pm \Delta x$				
	H_2S	NH_3	CH_4	H_2	CO
Fe_2O_3	80,0±0,3	100,0±0,9	11,8±0,1	82,5±0,7	51,5±0,4
MnO_2	69,0±0,5	88,0±1,0	49,8±0,6	100,0±1,3	100,0±1,0
CuO	92,0±1,2	28,4±0,5	16,6±0,4	18,0±0,9	19,5±0,3
WO_3	100,0±1,4	56,0±0,4	42,0±0,4	98,0±1,1	41,1±0,5

Ўрганилган оксидлардан энг фаол ва танлаб таъсир этувчиси WO_3 ва CuO бўлиб ҳароратнинг 350°C қийматида H_2S нинг 100 % оксидланишига WO_3 иштирокида эришилди. Бироқ, WO_3 нинг мавжудлиги H_2S оксидланишининг селективлигини таъминламайди. Ўрганилган катализаторлардан H_2S нинг оксидланишида энг юқори селективликка CuO эга бўлди. Шунинг учун ҳам кейинги текширишлар энг актив (WO_3) ва селектив (CuO) металл оксидларини бинар аралашмалари иштирокида ўтказилди. Тажрибалар 350°C да WO_3 ва CuO нинг турли нисбатларида амалга оширилди (2-жадвал.)

2-жадвал

WO_3 ва CuO нинг ўзаро нисбатларининг H_2S ни оксидлаш жараёнидаги катализаторнинг активлиги ва селективлигига таъсири (аралашмада ҳаж. % да: H_2S -2.20, NH_3-2.20 H_2-2.20, CO-2.45, CH_4-2.50%)

Катализатор таркиби, оғ %	H_2S	NH_3	H_2	CO	CH_4
1CuO + 99 WO_3	81,0	7,3	6,5	4,3	1,8
5CuO + 95 WO_3	97,2	5,5	7,6	5,4	0,8
10CuO + 90 WO_3	100	5,2	8,6	7,6	0,8

Тажриба натижалари танлаб олинган 10%CuO+90%WO_3 таркибли аралашмани ЯЎС-H_2S нинг газсезгир қатлами сифатида фойдаланиш имкониятини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, ёнувчи газларнинг оксидланишида алоҳида ва бинар оксидларнинг активлиги ва селективлигини ўрганиш натижасида H_2S сенсори газсезгир қатлами учун катализаторнинг таркиби танланган. Танланган катализаторлардан фойдаланиб ҳарорат ва концентрациянинг кенг оралиғида ЯЎС-H_2S нинг юқори селективлиги таъминланган.

«Бошқариладиган золь-гель технология усулида темплатсиз ва темплат (ПЭГ) иштирокида олинган SiO_2:WO_3 таркибли газсезгир плёнкаларнинг тадқиқи» деб номланган диссертациянинг учинчи бобида H_2S сенсорининг газсезгир элементи сифатида WO_3 асосида тайёрланган яримўтказгичли материал ишлатилди. WO_3 нинг бошқа оксидлардан устунлиги унинг кимёвий барқарорлиги ва плёнкаларни ишлаб чиқаришда қулайлигидадир. Бироқ, илмий ва техник адабиётларда, ТЭОС нинг вольфрам тузлари иштирокида поликонденсация жараёнини оптималлаштириш бўйича тадқиқотлар сони жуда чекланган. Шунинг учун бундай тадқиқотларни ўтказиш ва кимёвий сенсорлар яратиш жараёнида кенг қўлланиладиган кўп функцияли допантланган силикат қопламаларини синтез қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

Тажрибаларда WO_3 манбаи сифатида K_2WO_4 ишлатилган. Эритманинг барқарорлигини аниқлаш учун капилляр вискозиметрия усулидан фойдаланилган. Прикурсор сифатида ортосиликат кислотанинг этил эфири-тетраэтоксисилан $Si(OC_2H_5)_4$ қўлланилган. Ортосиликат кислота эфирларининг гидролитик поликонденсацияси жараёни учун кислород манбаи сув кислородидир. Барча тажрибаларда структурани белгиловчи темплат агент сифатида полиэтиленгликоль ишлатилган. Бошланғич таркибий қисмларнинг моляр нисбати қуйидаги диапазонда ўзгартирилди: $Si(OC_2H_5)_4$:H_2O:C_2H_5OH:HCl=(1-4):(1-40):(1-45):(0,01-0,3).

Эритувчининг плёнка ҳосил қилувчи эритманинг барқарорлигига таъсири. Ишда эритувчи сифатида этил спиртидан фойдаланилган. Тажриба натижалари ТЭОС:этанол эритмасидаги спиртнинг нисбати 1:1 дан 1:45 гача ошиши билан унинг зичлиги (ρ) 0,9783 дан 0,8350 гача, яъни 1,172 марта камайишини кўрсатди. ТЭОС:этанолнинг текширилган оралиғида, эритмаларнинг барқарорлик даври тажриба бошланганидан 4-18,5 кунни ташкил этади. Бунда эритманинг энг юқори барқарорлиги ТЭОС:этанолнинг 1:30 га тенг бўлган қийматларига тўғри келади. Ушбу нисбатда эритманинг қовушқоқлиги 450 соат давомида барқарор бўлиб, шу давр ичида уни ЯЎС нинг газсезгир элементини ҳосил қилиш учун ишлатишга имкон беради.

Сув миқдорининг плёнка ҳосил қилувчи эритма хусусиятларига таъсири. ГСМ синтезида сув миқдорининг эритманинг барқарорлиги, электр ўтказувчанлиги, зичлиги ва қовушқоқлигига таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар ТЭОС:H_2O эритмасининг 1:1 дан 1:40 молгача бўлган нисбатларида ўтказилди. Эритманинг барқарорлиги ва плёнка ҳосил қилувчи ва легирловчи қўшимчаларининг (W ва Cu металлари тузлари) эрувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, энг мақбул деб H_2O/ТЭОС=20 нисбати танланди, бу нисбат эритманинг етарли даражада юқори барқарорлигини (445) ва допантли эритмаларнинг гомогенлигини таъминлайди.

ТЭОС миқдорининг плёнка ҳосил қилувчи эритманинг хоссаларига таъсири. ТЭОС миқдорининг эритманинг барқарорлигига таъсири унинг эритма таркибидаги 1 дан 4 молгача бўлган диапазонида ўрганилди. Реакцион муҳитда ТЭОС нинг 1 дан 4 молгача кўпайиши натижасида золнинг барқарорлик даври кескин (18,5 кундан 6,5 кунгача, яъни 2,85 марта) қисқаради.

Кислота миқдори (pH муҳити) ни плёнка ҳосил қилувчи эритманинг ҳусусиятларига таъсири. Тажриба натижаларидан, ГСМ ни олиш учун энг мақбули ТЭОС:HC1 нинг 1:0,05 нисбатига мос келиши кузатилди, бунда эритманинг 450 соат давомида барқарорлиги таъминланади.

Допантнинг таркиби ва миқдорининг плёнка ҳосил қилувчи эритманинг хусусиятларига таъсири. ТЭОС асосида золь-гель тизимларнинг сенсорлар ишлаб чиқишдаги энг муҳим бўлган хусусиятларидан бири, уларнинг эритмасига допантни, яъни ноорганик бирикмаларни (тузлар ва кислоталарни) киритиш имкониятининг мавжудлигидан иборат. Материалнинг якуний шаклланиши жараёнида, ушбу допант қўшимчалар ҳосил бўлган нанокомпозитнинг силикат матрицасини легирлайди ва бу унга зарур бўлган газга сезгир хусусиятларни беради. Тажрибалар давомида K_2WO_4 асосидаги допантнинг ТЭОС эритмасида структура ҳосил бўлиш жараёнига таъсири батафсил кўриб чиқилди. Ушбу тажрибалар натижалари, K_2WO_4 нинг дастлабки эритмага қўшилиши унинг қовушқоқлигини ошишига ва барқарорлик даврининг пасайишига олиб келишини кўрсатди. Ўрганилган барча тизимларда эритмадаги K_2WO_4 миқдорини ошиши билан эритманинг қовушқоқлигини ошиши кузатилди. Оптимал нисбатлардаги (ТЭОС:этанол:H_2O:HC1=1:30:20:0.05) эритманинг қовушқоқлигини вақт давомида ўзгариш графигининг кўриниши қуйидаги 1-расмда келтирилган.



1-расм. Эритма қовушқоқлигининг вақт давомида ўзгариш графиги (эритмадаги таркиб:ТЭОС:H_2O:этанол:HC1=1:30:20:0.05 моль)

1-расмдан танланган нисбатларда ТЭОС асосида плёнка ҳосил қилувчи эритманинг етилиш даври 6,5 соатга (а қисм, 1-расм), газсезгир плёнкаларни олишда қўлланилиш даври 18,5 кунга (б-қисм 1-расм) ва эскириш даври 3,5 кунга (в–қисм 1.расм) тенг эканлигини кўрамиз. Шу вақт ичида плёнка ҳосил қилувчи эритма суюқликдан қаттиқ ҳолатга ўтади. Жараён ҳароратининг 20 дан 40°С гача кўтарилиши эритма қовушқоқлигининг қисман ўзгариши билан эритма барқарорлигининг 18,5 дан 7,5 кунгача кескин пасайишига олиб келиши аниқланди.

Газга сезгир қаватни қоплаш ва қуритиш. WO_3 асосидаги ГСМ ларни олишда плёнка билан қоплаш жараёни инерт намунани эритмага ботириш усули билан амалга оширилди. Таклиф этилган усулга биноан, модификациялаш (қоплаш) учун шиша билан ниқобланган платина симидан тайёрланган пружина спирт ва дистилланган сув билан ювилган ҳамда унинг юзасига эритмага ботириш орқали плёнка қоплатилган. Плёнкани шакллантириш уни 20–40°С ҳароратда қуритиш (60 дақиқа давомида) ва 120–600°С да куйдириш орқали амалга оширилди. Намуналарни қуритгандан кейин эритмага ботириш операцияси бир неча бор такрорланди (эҳтиёжга қараб 4 дан 6 мартагача).

Шундай қилиб, золь-гель жараёнига турли омилларнинг таъсирини ўрганиш натижасида газсезгир сенсорлар учун плёнка олиш жараёнини бошқариш бўйича ёндашувлар ишлаб чиқишга эришилган ва кенг доирадаги плёнка ҳосил қилувчи эритмаларнинг таркиби ишлаб чиқилган. Золь-гель технологиядан фойдаланган ҳолда, WO_3 асосида H_2S га нисбатан юқори сезгир бўлган ГСМ лар ҳосил қилиш имкониятлари кўрсатилган. Улар асосида ишлаб чиқилган сенсорлар саноат корхоналари атмосфера ҳавоси назоратида қўлланиладиган асбобларнинг сезгир элементи сифатида ишлатилиши мумкин.

ГСМ нинг золь-гель технологиясида темплат синтези. Юқори сезгир ЯЎС ни яратиш юза сирти катта бўлган мезо- ва макроғовакли ГСМ дан фойдаланишни талаб қилади. Ишда H_2S сенсорларининг янги авлодини яратиш учун WO_3 асосида темплат синтез усулида олинган макроғовакли нанокомпозит ГСМ лардан фойдаланилди. Тажрибаларда яримўтказгичли ГСМ ларнинг ТЭОС, WO_3 ва CuO асосидаги синтези қонуниятлари ўрганилди. Ишда темплат сифатида ПЭГ ишлатилди. Олинган намуналарда бензол буғлари адсорбцияси изотермалари Мак-Беннинг сезгир кварц спирали қурилмасида ўлчанди. Тажриба натижаларидан ГСМ нинг темплат иштирокидаги золь-гель синтези жараёнида, мезоғовакли плёнкани ҳосил бўлиши қўшиладиган ПЭГ нинг 5 % концентрациясига мос келиши аниқланди. Юқори сезгир сенсорлар яратиш ГСМ параметрларини турли усулларда назорат қилишни талаб этади. Плёнканинг сирт тузилишини аниқлаш ва унинг элемент таркибини миқдорий анализ қилиш, РФА ва СЭМ ёрдамида амалга оширилди. РФА ва СЭМ дан фойдаланиб ўтказилган

тажрибалар ЮТМ физика лабораториясида XRD Empyrean PANalytical рентгент дефрактометри ва EVO MA 10 SEM Carl Zeiss типидаги сканерловчи электрон микроскоп (СЭМ) ларда олиб борилди. Объектларнинг СЭМ ёрдамида олинган тасвирлари 2-расмда келтирилган.



а) **б)**

2-расм. ТЭОС асосида (а) темплатсиз ва (б) темплат иштирокида золь-гель технология усулида олинган ГСМ юзаларининг фотосуратлари.

2-расмдан кўриниб турибдики, ПЭГ иштирокида синтез қилинган намуналар плёнкаларининг тузилиши (2-расм, б) мплатсиз синтез қилинган плёнкадан фарқли ўлароқ (2-расм, а) ғовак кўринишга эга. Таркибидаги CuO миқдори 1% дан 10% гача ўзгартирилган SiO_2/WO_3+CuO асосидаги газсезгир плёнкаларнинг таркиби РФА ёрдамида ўрганилди. Таркибидаги WO_3 ва CuO нинг ўзаро нисбатлари 5:1 га тенг бўлган яримўтказгичли плёнканинг рентгенограммаси 3-расмда келтирилган.



3-расм. Таркибидаги WO_3 ва CuO нинг ўзаро нисбатлари 1:5 га тенг бўлган яримўтказгичли плёнканинг рентгенограммаси

ТЭОС K_2WO_4 ва $Cu(NO_3)_2 \cdot 3H_2O$ асосида ПЭГ иштирокида газсезгир таркибий қисмлар CuO ва WO_3нинг 1:5 нисбатида олинган плёнка таркибидаги компонентларнинг миқдорлари: SiO_2-62%, CuO-6% ва WO_3-32% га тенг. СЭМ натижалари ушбу плёнканинг юзаси макроғовакли эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг **«Яримўтказгичли водород сульфид сенсорини ишлаб чиқиш ва метрологик тавсифларини ўрганиш»** деб номланган тўртинчи бобида H_2S ни аниқловчи селектив ЯЎС ни ишлаб чиқиш ва унинг метрологик тавсифларини текшириш натижалари келтирилган. Ўтказилган тадқиқотлар H_2S ни газлар аралашмаси ва атроф-муҳит атмосфера ҳавоси таркибидаги миқдорини назоратида ишлатиладиган ЯЎС-H_2S ни ишлаб чиқишга имкон берди. Сенсорнинг синовлар дастурига уни ўлчашга тайёр бўлиш вақтини, динамик ва даражалаш ҳусусиятларини, оптимал ҳарорат қийматини танлаш, ҳамда селективлигини аниқлаш билан боғлиқ махсус тажрибалар киритилган.

Сенсорнинг ўлчашга тайёр бўлиш вақтини аниқлаш. ЯЎС-H_2S нинг ўлчашга тайёр бўлиш вақтини аниқлаш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

ЯЎС-H_2S нинг ўлчашга тайёр бўлиш вақтини аниқлаш натижалари

Сенсорнинг иш бошлагандан ўтган вақт (τ), сек	ГСМ таркиби			
	SiO_2/WO	SiO_2/WO_3-1%CuO	SiO_2/WO_3-5%CuO	SiO_2/WO_3-10%CuO
	Газсезгир қатламнинг электр ўтказувчанлиги, 1/R мОм$^{-1}$			
6	0,2604	0,3101	0,3836	0,5198
9	0,2745	0,3269	0,4045	0,5480
12	0,2830	0,3368	0,4172	0,5650
15	0,2828	0,3370	0,4170	0,5650
20	0,2830	0,3370	0,4170	0,5650

Жадвалда келтирилган маълумотлардан газсезгир қатламнинг таркибидан қатъий назар, ишлаб чиқилган сенсорнинг ишга тайёр бўлиш вақти 12 секунддан ошмаслигини кўрамиз.

ЯЎС-H_2S нинг динамик кўрсатгичлари. **ЯЎС-H_2S** нинг динамик кўрсатгичини текшириш унинг вақт бўйича кўрсаткичларини, яъни ўтиш вақтини ўрганишни ўз ичига олади. ЯЎС-H_2S нинг динамик кўрсаткичларини аниқлаш натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Водород сульфид яримўтказгичли сенсорининг динамик кўрсаткичлари

№ т/р	H_2S нинг концентрацияси, мг/м^3 (ҳаж.%)	Сенсорнинг динамик кўрсаткичлари*	Вақт, сония				
			ЯЎС-1	ЯЎС-2	ЯЎС-3	ЯЎС-4	ЯЎС-5
Аралашмадаги H_2S нинг концентрацияси 100 мг / м^3							
1	100	$t_{0,1}$	1	2	1	1	2
2	100	$t_{0,65}$	4	3	5	5	4
3	100	$t_{0.9}$	7	7	7	8	8
4	100	$t_п$	9	10	10	10	9

* $t_{0,1}$ -сигнални бошланиш вақти, с; $t_{0.65}$ -доимий вақт, с; $t_{0.9}$ –сигнал қийматини 90% га эришиш вақти, с; $t_п$–ўлчаш учун сарф бўлган вақтнинг умумий қиймати, с.

Жадвалдан ишлаб чиқилган сенсорнинг сигнал қийматини бошланиш вақтини ($t_{0.1}$) 1-2 с, доимий вақти ($t_{0.65}$) 5 с, 90% га эришиш вақти ($t_{0.9}$) 8 с ва ўлчаш учун сарф бўлган умумий вақти ($t_п$) 9-10 с эканлигини кўришимиз мумкин. Тақдим этилган маълумотлар ишлаб чиқилган сенсор ёрдамида H_2S ни тезкор аниқлаш имкониятини тасдиқлайди.

ЯЎС-H_2S сигналининг ҳароратга боғлиқлиги. ЯЎС-H_2S нинг H_2S га сезгирлиги 50-500°С оралиғида ўрганилди. Ушбу тадқиқот натижаларига кўра ГСМ нинг H_2S га нисбатан максимал сезгирлиги ҳароратнинг нисбатан тор

оралиғида 325-350°С га мос келади. Сенсор сигналининг термостат ҳароратига ва иситгич қаватига бериладиган кучланиш қийматига боғлиқлигини таққослаш натижалари 4-расмда келтирилган.



4-расм. ЯЎС-H_2S сигналининг унга бериладиган ҳарорат (°С) ва ток кучланишига (В) боғлиқлиги.

Нуқталар-ҳарорат, чизиқ-сенсорнинг қиздиргич қатламига берилган ток кучланиши қиймати; 1-SiO_2/WO_3-5%CuO; 2-CuO_2/WO_3-10%CuO. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турганидек, ЯЎС-H_2S нинг энг юқори сигнал қиймати кучланишнинг 2.0-2.1 В га тенг қийматларида кузатилди. Шунинг учун H_2S концентрациясини аниқлаш бўйича барча кейинги тажрибалар кучланишнинг ушбу оптимал қийматларида ўтказилди.

Яримўтказгичли сенсорнинг H_2S га нисбатан сезгирлиги. ГСМ нинг H_2S га нисбатан сезгирлиги 350°С ва H_2S нинг 250 мг/м^3 га тенг концентрациясида аниқланди. 5-расмда ГСМ таркибида турли миқдордаги WO_3 бўлган сенсорларнинг H_2S га нисбатан сезгирлиги келтирилган. Расмдан H_2S ни аниқлашда энг юқори сезувчанлик SiO_2/WO_3+10% CuO таркибли сенсорга мос келишини кўрамиз.



5-расм. Таркибида турли миқдордаги WO_3 сақлаган сенсорларнинг 350°С да H_2S га нисбатан сигнал қийматлари. (аралашмдаги H_2S-250 мг/м^3)
1-SiO_2/WO_3; 2-SiO_2/WO_3+1%CuO;
3-SiO_2/WO_3+5%CuO; 4-SiO_2/WO_3+10%CuO

Концентрациянинг кенг оралиғида SiO_2/WO_3 +10%CuO таркибли ГСМ асосида ишлаб чиқилган сенсорнинг сезгирлиги энг катта қийматга эга бўлиши аниқланди. WO_3 асосидаги плёнка таркибига 1,0 5,0 ва 10%, миқдоридаги CuO нинг қўшилишида сенсорнинг H_2S га нисбатан сезгирлигини мос равишда 2,5; 8,5 ва 10,5 мартага оширади.

ЯЎС-H_2S нинг даражалаш характеристикаси. ЯЎС-H_2S сигналининг аралашмадаги H_2S концентрациясига боғлиқлигини аниқлаш натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Сенсор сигнали ($\sigma_{газ}/\sigma_{хаво}$) нинг H_2S миқдорига боғлиқлиги (n=5, P=0.95)

Аралашмадаги H_2S миқдори, мг/м^3	Газ сезгир плёнканинг таркиби			
	SiO_2/WO_3	SiO_2/WO_3-1% CuO	SiO_2/WO_3-5% CuO	SiO_2/WO_3-10% CuO
	Сенсор сигнали, $\sigma_{газ}/\sigma_0$, нисб. бирлик.			
30	0,10	0,20	0,35	0,51
50	0,13	0,24	0,50	0,81
300	0,25	0,48	1,38	1,88
660	0,50	0,85	2,20	3,26
750	0,61	1,01	2,52	3,71

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 50-750 мг/м^{3}диапазонда ЯЎС-H_2S сигналининг аралашма таркибидаги H_2S концентрациясига боғлиқлиги тўғри чизиқли кўринишга эга. Сенсорларнинг аниқланган асосий, мутлақ ва келтирилган хато қийматлари давлат стандартларига мувофиқ уларнинг рухсат этилган қийматларидан анча кичик.

Яримўтказгичли водород сульфид сенсорининг селективлиги. ЯЎС-H_2S нинг селективлиги стандарт газ аралашмаларидан фойдаланиб, 350°С ҳароратда H_2, CO ва CH_4 иштирокида аниқланди. ЯЎС нинг селективлигини аниқлашда олинган ўртача натижалар 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

ЯЎС-H_2S нинг селективлигини текшириш натижалари (n=5, P=0.95)

Газ аралашмасининг таркиби, мг/м^3	Водород сульфид топилган, мг/м^3					
	ЯЎС-H_2S №1		ЯЎС-H_2S №2		ЯЎС-H_2S №3	
	$\bar{x} \pm \Delta x$	$Sr \cdot 10^2$	$\bar{x} \pm \Delta x$	$Sr \cdot 10^2$	$\bar{x} \pm \Delta x$	$Sr \cdot 10^2$
H_2S-563±ҳаво (қолгани)	560±3	1,7	566±5	1,5	565±3	1,4
H_2S-563±H_2-604±ҳаво (қолгани)	562±2	1,4	562±4	1,4	562±3	1,6
H_2S-563±CO-830±ҳаво (қолгани)	559±3	1,6	565±3	1,5	562±4	1,6
H_2S-563±CH_4-540±ҳаво (қолгани)	560±4	1,2	564±4	1,1	564±5	1,4

Олинган маълумотларга кўра, анализ қилинадиган аралашма таркибида 830 мг/м^3 гача CO, 604 мг/м^3 гача H_2 ва 540 мг/м^3 гача CH_4 ни бўлиши H_2S ни аниқлаш натижаларига таъсир қилмайди. Аниқланмайдиган газлар таъсирида юзага келувчи ЯЎС-H_2S нинг хатоси 1,5% дан ошмайди.

ЯЎС-H_2S ининг ўлчов оралиғи ва асосий хато қийматларини текшириш. Концентрациянинг 50-1000 мг/м^3 оралиғида сенсорнинг асосий хатоси (Δ) концентрациянинг тажрибада топилган ва ҳақиқий қийматлари орасидаги фарқ сифатида аниқланди (7-жадвал).

7-жадвал

ЯЎС-H_2S сенсорининг асосий хатосини аниқлаш натижалари (n=5, P=0.95)

Киритилди H_2S, мг/м^3	Топилди H_2S, мг/м^3	Хатонинг топилган қийматлари		Асосий келтирилган хатони ГОСТ да рухсат этилган. қиймати(γ),%
		Асосий мутлақ хато (Δ)	Асосий келтирилган хато (γ),%	
50	51	1	0,1	±5,0
500	496	4	0,4	±5,0
1000	993	7	0,7	±5,0

7-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турганидек, ЯЎС-H_2S нинг топилган хато қиймати ГОСТ да рухсат этилган қийматларидан кичик. Атроф-муҳит ҳароратининг ўзгариши натижасида юзага келган ЯЎС-H_2S қўшимча хатоси ҳароратнинг -10 − +50°С оралиғида текширилди ва ҳароратнинг ўзгаришидан юзага келувчи ЯЎС-H_2S нинг қўшимча хатоси 1,0% дан ошмаслиги аниқланди ва бу кўрсатгич қурилманинг асосий хатосидан паст.

Босимнинг таъсирини аниқлаш бўйича синовлар 600-900 мм.сим.уст. оралиғида ўтказилди. Ўрганилган диапазонда, газ муҳити босимининг ўзгариши сенсор сигналининг қийматига деярли таъсир кўрсатмайди.

Асбобнинг концентрацияни ортиқча миқдорларига чидамлилиги. ЯЎС-H_2S нинг аралашмадаги H_2S ни катта концентрацияларига чидамлилиги концентрациянинг 2500 мг/м^3 бўлган қийматларида синовдан ўтказилди. Текши-

ришларда бирламчи аралашмадаги H_2S концентрацияси 500 мг/м^3 ни ташкил этган. Тажрибалар натижалари ЯЎС-H_2S ни 2500 мг/м^3 гача бўлган катта концентрацияларга чидамлилигини тасдиқлади (8-жадвал).

8-жадвал

Концентрациянинг катта қийматларини ЯЎС сигналига таъсирини ўрганиш натижалари

Аралашмадаги H_2S нинг миқдори, мг/м^3	Катта концентрация таъсир этгунча ва ундан кейинги натижалар, мг/м^3		Асосий мутлақ хато	Асосий хатони ГОСТ бўйича рухсат этилган қиймати
	Таъсирдан олдин	Таъсирдан кейин		
C_{H2S} -500	506±5	512±5	6	±0,25%
C_{H2S}-2500	2497±9	2504±6	7	±0,25%

Сенсорнинг катта концентрация таъсири остида юзага келувчи қўшимча хато қиймати 0,03 ҳаж.% дан ошмайди. Шундай қилиб, H_2S концентрациясини автоматик назорати учун ЯЎС- H_2S ишлаб чиқилди. Концентрациянинг 50-1000 мг/м^3 оралиғида сигналнинг H_2S миқдорига боғлиқлиги тўғри чизикли характерга эга. Ишлаб чиқилган сенсорларнинг асосий мутлақ ва келтирилган хатоларининг топилган қийматлари ГОСТ га мувофиқ уларнинг рухсат этилган қийматларидан анча кичик. Барча ҳолатларда газ муҳитининг ҳарорати ва босимининг ўзгариши туфайли юзага келувчи сенсорнинг қўшимча хатоси ±1,5% дан ошмади.

SiO_2/WO_3-10%CuO ва SiO_2/WO_3-10%CuO+ПЭГ асосидаги ЯЎС-H_2S ларнинг метрологик параметрларининг қиёсий синовлари. Темплат синтез усулида ПЭГ иштирокида ТЭОС, WO_3 ва CuO асосидаги ғовак ГСМ синтез қилинди ва ушбу материал H_2S ни аниқловчи ЯЎС-H_2S ларни тайёрлашда ишлатилди.

Тажрибаларда, таркибида H_2S бўлган газлар аралашмасини анализ қилишда SiO_2/WO_3-10% CuO ва SiO_2/WO_3-10%CuO+ПЭГ ларнинг қиёсий хусусиятлари ўрганилди. Синовлар таркиби SiO_2/WO_3-10% CuO ва SiO_2/WO_3-10% CuO+ПЭГ асосида тайёрланган ГСМ дан фойдаланиб ишлаб чиқилган (5 донадан) ЯЎС-H_2S да ўтказилди. Тажрибалар нормал шароитларда олиб борилди. Барча тажрибалар метрологик сертификатланган асбобларда бажарилди.

ЯЎС-H_2S сенсор сигналининг ГСМ ҳароратига боғлиқлиги 50-500°С оралиғида, H_2S концентрацияси 250 мг/м^3 бўлган ГА да ўрганилди. Ушбу тажрибаларда олинган натижалар 6-расмда келтирилган бўлиб, расмда темплатсиз синтез қилинган SiO_2/WO_3-10%CuO таркибли плёнка учун олинган сигналнинг ҳароратга боғлиқлиги ҳам келтирилган.



6-расм. H_2S сенсори сигналининг тажриба ҳароратига боғлиқлиги 1. SiO_2/WO_3-10% CuO; 2. SiO_2/WO_3-10% CuO+ПЭГ.

SiO_2/WO_3-10% CuO+ПЭГ га асосланган H_2S сенсори учун оптимал ҳарорат қиймати 200-210°С га мос келади (6-расм), яъни SiO_2/WO_3-10%CuO+ПЭГ асосидаги ГСМ дан фойдаланиш сенсорнинг оптимал ҳарорати қийматини 325°С дан (SiO_2/WO_3-10% CuO учун) 205°С гача ($SiO_2/WO_3$10%CuO+ПЭГ учун), яъни 1,58 мартага пасайишини таъминлайди.

SiO_2/WO_3-10%CuO ва SiO_2/WO_3-10%CuO+ПЭГ асосида ишлаб чиқилган сенсорлар учун сигнални максимал қийматига эришиш вақти мос равишда 15 ва 9 сонияга тенг. Демак, SiO_2/WO_3-10%CuO+ПЭГ асосидаги сенсор H_2S ни аниқлаш жараёнини 1,67 баравар тезлаштиради. ЯЎС-H_2S сигналининг аралашмадаги H_2S нинг миқдорига боғлиқлигини аниқлаш натижалари 7-расмда келтирилган.



7-расм. ЯЎС-H_2S сигналининг стандарт аралашмадаги H_2S таркибига боғлиқлиги: 1-SiO_2/WO_3-10%CuO. 2-SiO_2/WO_3-10%CuO+ПЭГ

Расмдан темплат синтез усулида олинган ГСМ темплатсиз тайёрланган ГСМ га нисбатан сенсорнинг юқори сезувчанлигини таъминлашини кўрамиз. Масалан, аралашмада H_2S нинг 250 мг/м^3 га тенг концентрациясида SiO_2/WO_3-10%CuO ва SiO_2/WO_3-10%CuO+ПЭГ асосида ишлаб чиқилган сенсорларнинг сигнали мос равишда 1,55 ва 2,78 ни ташкил қилади. Демак, темплат синтезидан фойдаланиш сенсор сигналини 1,8 баравар ошишини таъминлайди. SiO_2/WO_3+10%CuO га асосланган сенсори учун сигналнинг тўғри чизиқли бўлимининг бошланиши 45-50 мг/м^{3}га SiO_2/WO_3+10%CuO+ПЭГ учун эса бу кўрсатгич 7-10 мг/м^3 га тўғри келади. Шунингдек, темплат синтез усулида олинган ГСМ дан фойдаланиш сенсорнинг тезкорлигини~2 мартага қисқаришини ва ишлаш ҳароратини 350ºС дан 200ºС гача пасайишини таъминлайди.

Ишлаб чиқилган сенсор натижаларининг тўғрилиги ва такрорланувчанлигини аниқлаш мақсадида бошқа кенг тарқалган анализ усуллари билан қиёсий таҳлиллар ўтказилди (9-жадвал)

9-жадвал.

Водород сульфиднинг турли усулларда аниқлаш натижаларини қиёсий баҳолаш (n=5, P=0,95).

H_2S киритилди, мг/м^3	H_2S топилди, (мг/м^3)									
	Хроматографик		Термокаталитик		Фотоколариметрик		Потенциометрик		Яримўтказгичли	
	$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr*10^2	$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr*10^2	$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr*10^2	$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr*10^2	$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr*10^2
59,1	58,5±0,3	0,4	58,1±0,3	0,4	59,9±0,2	0,3	58,3±0,1	1,4	58,3±0,1	1,4
197,0	196,3±1,7	0,7	195,0±1,2	0,5	196,0±2.2	0,9	194,0±1,9	0,8	194,0±1,9	0,8
952,0	952,0±7,4	1,7	951,5±8,5	1,8	951,9±8.0	3,0	951,0±7,4	2,3	951,0±4,4	1,9

Жадвалдан яримўтказгичли усулнинг тезкорлиги, кичик ўлчамлилиги ва ишлатишда қулайлиги бўйича мавжуд усуллардан устунлигини сақлаган ҳолда тўғрилиги ва такрорланувчанлиги бўйича улардан қолишмаслигини кўрамиз.

Шундай қилиб, олинган экспериментал натижалар ва назарий хулосалар асосида водород сульфидни концентрациянинг кенг оралиғида аниқлашнинг яримўтказгичли сенсори ва усули ишлаб чиқилди. Сенсорни водород сулфиднинг турли хил назорат қилиш тизимларида, шунингдек, водород сулфиднинг оқиши ва

тўпланишини кўрсатувчи сигнализаторлар таркибида узлуксиз режимда ишлатиш мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1.Ўрганилган параметрларнинг кенг диапазонида газсезгир материаллар темплат синтези жараёни кинетикасига дастлабки эритма компонентларининг таркиби ва нисбатининг таъсири ўрганилди. Золь-гель технология усулида нанокомпозит (SiO_2/WO_3+CuO) плёнкалар темплат синтези учун бошланғич компонентларнинг (ТЭОС:H_2O:этанол:HC1) оптимал нисбатлари ва жараённинг ҳарорат-вақт режими аниқланди.

2.Турли омилларнинг таъсирини ўрганиш натижасида ЯЎС учун ГСМ ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш усули ишлаб чиқилди ва плёнка ҳосил қилувчи эритмаларнинг кенг номенклатураси яратилди. Золь-гель технология усулидан фойдаланиб WO_3 асосида H_2S га сезгир плёнкалар ҳосил қилиш имконияти юзага келди.

3.Олинган газсезгир материаллар асосида яримўтказгичли (WO_3+CuO) қатлам, инерт таглик ва иситгичдан иборат яримўтказгичли сенсорлар тавсия этилди. Сенсорнинг минимал ўлчамлари ишлатиш учун талаб этиладиган қувват сарфини 100 мВт га камайтиради, бу эса ушбу сенсорларни кичик ўлчамдаги, автоном қурилмаларда муваффақиятли ишлатишга имкон беради. Ишлаб чиқарилган сенсорлар атмосферада H_2S миқдорини РЭМ ва ундан кўп концентрацияларда аниқлашни таминлайди.

4.Ишлаб чиқилган сенсорларнинг метрологик хусусиятлари ва эксплуатацион параметрлари ўрганилди. Ишлаб чиқилган ЯЎС-H_2S юқори аниқлиги, такрорланувчанлиги ва тезкорлиги билан характерланади. Ўлчанмайдиган таркибий қисмлар туфайли юзага келувчи нисбий стандарт четланиш қиймати (Sr) 0,05 дан ошмайди.

5.ГСМ даги адсорбция қонуниятлари ўрганилди ва РФА, СЭМ ёрдамида ГСМ нинг таркиби ва тузилиши текширилган қатлам намунасининг юзаси, тепмлатсиз синтез қилинган плёнкадан фарқли ўлароқ, ғовак тузилишга эга эканлиги аниқланди.

6.Темплат иштирокида олинган плёнканинг H_2S га сезгирлиги темплатсиз олинган бир хил таркибли плёнкалар билан таққослаганда 1,8 баравар ортади, шунингдек, темплатни ишлатишда ГСМ нинг сигналини максимал қийматга эришиш вақти 2 мартадан кўпроққа қисқаради. Ишлаш ҳарорати 350ºС дан 200ºС гача тушади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.K.02.05
ПО ПРИСВОЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНИЙ ПРИ САМАРКАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БЕГМАТОВ РИЗАМАТ ХУШВАҚТОВИЧ

ТЕМПЛАТНЫЙ СИНТЕЗ ГАЗОЧУВСТВИТЕЛЬНЫХ ОРГАНО-НЕОРГАНИЧЕСКИХ МАТЕРИАЛОВ ДЛЯ ПОЛУПРОВОДНИКОВЫХ СЕНСОРОВ

02.00.02-Аналитическая химия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ

Самарканд–2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PHD/K179

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета по адресу (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Абдурахманов Эргашбой** доктор химических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Султонов Марат Мирзаевич** доктор химических наук, доцент
	Рахматов Худоёр Бобониёзович кандидат химических наук
Ведущая организация:	**Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «____» _____2020 года в____ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.K.02.05 при Самаркандском государственном университете (адрес: 140104, г. Самарканд, Бульвар «Университет», 15, физико-химический корпус, 3 этаж, 305 комната. Тел.: (99866)239-11-40; Факс: (99866)239-11-40. E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета за №____. С диссертацией можно ознокомиться в ИРЦ (адрес: 140104, г. Самарканд, Бульвар «Университет», 15, ИРЦ. Тел.: (+99866) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан «___» _____2020 года.
(реестр протокола рассылки №___от «___» _____2020 г)

А.М. Насимов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Ш.М.Сайитқулов
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.х.н., доцент

С.Д.Аранбаев
Зам.председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.х.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире с интенсивно развивающейся промышленностью, с каждым годом увеличивается число работ, целью которых является золь-гель синтез пористых материалов с использованием темплатов-структуроуправляющих агентов (СА). Пористые кремнезёмные материалы широко применяются в самых различных областях промышленности. Направление и эффективность использования пористых кремнезёмных материалов определяется их текстурными характеристиками: удельной поверхностью, объемом пор, распределением объема пор по размерам. Поэтому применение современных инновационных технологий для дальнейшего увелечения эффективности, создание пористых материалов для газочувствительных плёнок, сорбентов, катализаторов и доставщиков лекарств имеет важное значение.

Во всем мире H_2S относится к основным приоритетным загрязнителям окружающей среды и при исследованиях по его определению и мониторингу используются химические сенсоры. Поэтому ведутся научные исследования по разработке чувствительных и селективных сенсоров H_2S и выбору оптимальных составов ГЧМ для них. В этом аспекте, создание пористых ГЧМ с использованием темплатов, научное обоснование процессов получения селективных газочувствительных материалов в присутствии темплатов, изучение закономерностей зольгель технологии получения ГЧМ и определение оптимальных условий, разработка высокоэффективных сенсоров, определение их метрологических, аналитических и эксплуатационных характеристик имеет важное значение.

В ряда промышленных преприятиях Республике большое внимание уделяется использованию современной технологии, проводится модернизация производства ряда новой продукции для различных отраслей промышленности. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан[1] определены важные задачи по «дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленного на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов». В связи с этим важно создать и внедрять современные, надежные, выразительные, селективные полупроводниковие сенсоры (ППС) для контроля токсичных копонентов (в частности H_2S) в технологических газовых выбросах.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе и постоновлении Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной

[1] Указ Президента Республики Узбекистан за №УП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»от 7 февраля 2017года.

привлекательности химической промышленности» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития в Республике науки и технологий. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлением развития науки и технологий VII. Химические технологии и нанотехнологии

